



ФИСКАЛ ТАҲЛИЛДА СЕQ (COMMITMENT TO EQUITY) БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Зокиржонов Муҳаммадсодиқ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
давлат сиёсати ва бошқаруви академияси
ORCID: 0009-0005-7864-3473
muhammadsodiq.zokirjonov@gmail.com

Аннотация. Мақолада давлат молиявий сиёсатида даромадларни қайта тақсимлашни СЕQ (Commitment to Equity) методологияси ёрдамида таҳлил қилишнинг назарий ва методологик асослари тадқиқ қилинади. Шу билан бирга методологияда акс этмайдиган норасмий сектор бўйича ҳам Ўзбекистондаги жорий ҳолат бўйича мухтасар таҳлил келтирилган. Якунида услубийнинг дунё мамлакатлари кесимида бир қатор давлатларнинг молиявий сиёсатида апробациядан ўтказилганлиги ва соҳани ислоҳ қилиш учун қўлланиб келинганлиги ҳақида ҳам олинган таҳлил натижалари баён этилган. Бунда фискал сиёсат орқали ижтимоий адолат ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: СЕQ методологияси, фискал тақсимот таъсири таҳлили, даромадларни тақсимлаш, тенгсизлик, камбағаллик, норасмий сектор.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДОЛОГИИ ОЦЕНКИ СЕQ (COMMITMENT TO EQUITY) В ФИСКАЛЬНОМ АНАЛИЗЕ

Зокиржонов Муҳаммадсодиқ

Академия государственной политики и управления
при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. В статье исследуются теоретические и методологические основы анализа перераспределения доходов в государственной финансовой политике с использованием методологии СЕQ (Commitment to Equity). Кроме того, представлена краткая аналитическая информация о текущем состоянии неформального сектора в Узбекистане, который в данной методологии напрямую не отражается. В заключение излагаются результаты анализа о применении методологии в ряде стран мира, где СЕQ-оценки прошли апробацию в финансовой политике, а также подчёркивается возможность обеспечения социальной справедливости и устойчивого экономического развития через эффективную фискальную политику.

Ключевые слова: методология СЕQ, анализ фискального воздействия перераспределения, распределение доходов, неравенство, бедность, неформальный сектор.

THEORETICAL BASIS OF USING THE CEQ (COMMITMENT TO EQUITY) ASSESSMENT METHODOLOGY IN FISCAL ANALYSIS

Zokirjonov Muhammadsodiyk

*Academy of Public Policy and Management
under the President of the Republic of Uzbekistan*

Abstract. *This article explores the theoretical and methodological foundations of analyzing income redistribution within public financial policy using the CEQ (Commitment to Equity) methodology. Additionally, a brief analysis of the current state of the informal sector in Uzbekistan is provided, which is not directly reflected in the methodology. The conclusion includes findings on how the methodology has been piloted in the fiscal policies of several countries and has been applied to support fiscal reform. The paper highlights the potential of achieving social justice and sustainable economic development through effective fiscal policy.*

Keywords: *CEQ methodology, fiscal incidence analysis, income distribution, inequality, poverty, informal sector.*

Кириш.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг 2015 йил сентябр ойидаги Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDG) қабул қилиниши билан, ундаги мақсадларга эришиш учун ҳар бир мамлакатнинг давлат бошқаруви таъминланиши керак бўладиган ижтимоий ҳимоя, ижтимоий хизматлар ва инфратузилмани таъминоти учун фискал ресурсларнинг мавжудлиги муҳим омил бўлиб қолмоқда. Ушбу ресурсларнинг катта қисми мамлакатларнинг ўз фискал тизимларидан, шунингдек, қўшимча тарзда иқтисодий имкониятлари кенгроқ давлатлардан келадиган беғараз ёрдам ва/ёки қарзлар ҳисобига шаклланиши кузатилмоқда.

Стандарт фискал тақсимот таҳлили, солиқлар ва давлат харажатларининг шахслар ёки уй хўжаликлари хулқ-атворида қандай таъсир қилишини баҳоламай, шунчаки бюджет кирими ва чиқимини кўриб чиқади холос. Бундай ёндашувни “ҳисоб усули” дейилади. Гарчи назарий жиҳатдан усул жуда содда бўлса-да, унинг амалиётда қўлланилиши баъзи мураккабликларга олиб келиши мумкин.

Даромад ва бойликдаги тенгсизлик давлатлар орасида ҳам, давлатлар ичида ҳам кенг тарқалган. Асосан бунга сабаб сифатида иқтисодиётда тенг имкониятларнинг мавжуд эмаслиги даромаддаги тенгсизликка олиб келишини кўrsa бўлади. Хусусан, имконият ва бойликнинг маълум бир марказларда жамланиши адолатсиз ижтимоий шартномаларга сабаб бўлади.

Бундай муаммоли вазиятни бартараф этишнинг жамиятда икки асосий йўли бор: биринчиси – камбағалларни активларга, айниқса, инсон капиталига ва музокара қувватига эга бўлиш имконияти орқали тенг шароит яратиш; иккинчиси – даромадни солиқлар ва трансферлар орқали қайта тақсимлаш. Ҳар икки ҳолатда ҳам давлатнинг молиявий сиёсати орқали активлар, даромад ва бойликни қайта тақсимлашдаги бошқарув роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга (Peter, 2004).

Адабиётлар шарҳи.

2008 йилда CEQ лойиҳаси ишга туширилгунига қадар (Лойиҳа дастлаб Лотин Америкасига алоҳида эътибор қаратган ҳолда Inter-American Dialogue (Америка-аро мулоқот) марказида ишга туширилган эди.), ўрта ва паст даромадли мамлакатларда давлатнинг ҳам даромад, ҳам харажатларини, хусусан, соф эгри солиқлар ва натура шаклидаги хизматларга қилинган харажатларни бирлаштириб таҳлил қиладиган ишланма деярли учрамасди. CEQ лойиҳаси (институти) бошқа ташкилотлар билан

хамкорликда дунёдаги барча минтақаларни қамраб олган олтмишдан ортиқ СЕQ баҳолашларини яқунлади ёки яқунлаш арафасида турипти (Lustig, 2022).

СЕQ методология кенг қамровлигига қарамай, усулларни янада такомиллаштириш, таҳлил кўламини кенгайтириш ва сиёсий воситаларни мустаҳкамлаш борасида ҳали чуқур тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Бу муаммоларнинг айримлари юзасидан изланишлар олиб борилмоқда, масалан, 2021-2023 йиллар мобайнидаги илмий тадқиқот ишлар ўз ичига қуйидаги масалалар бўйича ечимлар беришга қаратилган:

– *фискал таъсир таҳлилларида юқори даромадларнинг етарлича қамраб олмаслиги ва тўлиқ ҳисобга олинмаслигини тузатиш* (Лустиг, 2022; Флашер ва бошқ., 2021);

– *гендер бўйича фарқланган таҳлилни жорий этиш орқали фискал сиёсатнинг қўл ўлчовли қашшоқликка таъсирини ўлчаш* (Гринспун, 2019; Барген, 2022);

– *СЕQ таҳлилларига микросимуляция воситаларини жорий этиш, жумладан COVID-19 пандемиясининг тенгсизлик, камбағаллик ва авлодлараро ижтимоий ҳаракатчанликка қисқа ва узоқ муддатли таъсирини ўлчаш* (Лустиг ва бошқ., 2021; Нейдхёфер ва бошқ., 2021).

Мазкур методология доирасида такомиллаштиришга оид мавзулар келгусида ривожлантириш босқичида, масалан, солиқлар ва трансферлар шахсларнинг хулқ-атворида таъсир ўтказиши жорий “ҳисобот доираси”да эътибордан четда қолмоқда. Бу хулқ-атворий омиллар фискал қайта тақсимлашнинг самарадорлиги, таъсирчанлиги ва барқарорлигига таъсир этиш нуқтаи назаридан қарорларда муҳим танловларга олиб келиши мумкин. Лустиг ва Хиггинслар (2022) тадқиқотларида хусусий ва умумий мувозанат (equilibrium) моделлари доираида хулқ-атвор реакциялари инobatга олинган ҳолда фискал таъсир таҳлили бўйича таҳлиллар келтирилган.

Тадқиқот методологияси.

СЕQ (Commitment to Equity) (Илмий ва сиёсий контекстда, СЕQ – бу давлатларнинг фискал сиёсатлари (солиқ ва харажатлар) орқали даромад тенгсизлиги ва камбағалликни камайтиришга бўлган саъйи-ҳаракатлари ва фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган методологиядир. Даромад тенгсизлиги ва камбағалликка фискал сиёсатнинг таъсирини баҳолашга қаратилган мазкур методология “Тенгликка Содиқлик (ёки “Адолатга интилиш”) методологияси” деб номланади.) Assessment© баҳолаш методологияси, дастлабки босқичда, ушбу мувозанатларни аниқлаш ва ўлчашга ёрдам бера олади. СЕQ Assessment© – бу фискал сиёсат орқали муайян бир мамлакатда тенгсизлик ва камбағалликни қанчалик камайтириш мумкинлигини аниқлаш учун фискал таъсир таҳлилинини қўллайдиган диагностика воситасидир ((Лустиг ва бошқ., n.d.). СЕQ Assessment© қуйидаги тўртта асосий саволга жавоб беришга мўлжалланган:

1. Фискал сиёсат (Илмий нашрлар ва адабиётларда “фискал сиёсат”, “фискал инструментлар”, “солиқлар ва давлат харажатлари”, “даромадлар аккумуляцияси ва харажатлар сарфи”, “солиқлар ва трансфертлар”, “солиқлар ва ижтимоий нафлар” ва “соф фискал тизим” атамалари одатга кўра ўзаро ўринбосар сифатида қўлланилади.) орқали даромадлар қайта тақсимланиши ва камбағалликни қисқартириш қай даражада амалга оширилмоқда?

2. Махсус солиқлар ва ижтимоий йўналтирилган давлат харажатлари қанчалик тенглаштирувчи ва камбағаллар манфаатига хизмат қилмоқда?

3. Солиқлар ва давлат харажатлари тенгсизлик ва камбағалликни камайтиришда қай даражада самарали бўлмоқда?

4. Махсус солиқ ёки имтиёзнинг ҳажми ва/ёки прогрессивлигини мақсад қилинган фискал ислохотларга қандай таъсир қилмоқда?

CEQ методологияси ёрдамида фискал тақсимот таҳлили натижалари бўйича манбалар рўйхати

№	Давлат номи	Нашр / Манба
1.	Боливия (Paz Arauco et al., 2014)	<i>Public Finance Review</i> журналида, махсус сони (Lustig, Pessino & Scott, 2014)
2.	Бразилия (Higgins et al., 2014)	<i>Public Finance Review</i> журналида: этник ва ирқий кесимда (Lustig, 2022)
3.	Мексика (John, 2014)	<i>Public Finance Review</i> журналида
4.	Перу (Miguel, 2014)	<i>Public Finance Review</i> журналида
5.	Уругвай (Bucheli et al., 2014)	<i>Public Finance Review</i> журналида
6.	Гана (Younger, 2017)	Рецензия қилинган журналда: ислоҳотлар таъсири (Lustig, 2022)
7.	Гватемала (Cabrera et al., 2018)	Рецензия қилинган журналда
8.	Эрон (Enami et al., 2019)	Рецензия қилинган журналда; (Lustig, 2022)
9.	Танзания (Younger et al., 2016)	Рецензия қилинган журналда: ислоҳотлар таъсири (Lustig, 2022)
10.	Тунис (Jouini et al., 2022)	Рецензия қилинган журналда; (Lustig, 2022)
11.	АҚШ (Higgins et al., 2016)	Рецензия қилинган журналда
12.	Арманистон (Younger et al., 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
13.	Эфиопия (Hill et al., 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
14.	Грузия (Sancho et al., 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
15.	Индонезия (Jellema et al., 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
16.	Иордания (Alam et al., 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
17.	Россия (Lopez-Calva, 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
18.	Жанубий Африка (Inchauste et al., 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
19.	Шри-Ланка (Arunatilake et al., 2017)	Жаҳон банки ҳисоботида https://openknowledge.worldbank.org/
20.	Аргентина (Rossignolo, 2022)	CEQ Handbook (Lustig, 2022) www.commitmenttoequity.org
21.	Чили (Martinez-Aguilar et al., 2022)	CEQ Handbook (Lustig, 2022) www.commitmenttoequity.org
22.	Хитой (Lustig and Wang et al., 2022)	CEQ Handbook (Lustig, 2022) www.commitmenttoequity.org
23.	Доминикан Республикаси (Aristy-Escuder et al., 2022)	CEQ Handbook (Lustig, 2022) www.commitmenttoequity.org
24.	Сальвадор (Beneke de Sanfeliu, 2022)	CEQ Handbook (Lustig, 2022) www.commitmenttoequity.org
25.	Уганда (Jellema et al., 2022)	CEQ Handbook (Lustig, 2022) www.commitmenttoequity.org
26.	Қолган 32* мамлакат учун	www.commitmenttoequity.org сайтидаги Publications бўлимида ва/ёки CEQ Data Center да

*Албания, Беларус, Ботсвана, Буркина Фасо, Комор, Коста Рика, Хорватия, Эквадор, Миср, Эсватини, Гвинея, Гондурас, Кения, Лесотто, Мали, Монголия, Намибия, Никарагуа, Нигерия, Парагвай, Польша, Руминия, Испания, Тожикистон, Туркия, Украина, Замбия, Колумбия, Ҳиндистон, Того, Венесуэла, Панама.

Манба: ўрганилган илмий манбалар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқ ва соҳалари кесимида норасмий сектор бўйича мухтасар мисоллар

№	Тармоқ	Касбий йўналишлар номи
1.	Савдо	- бозорда норасмий, яъни лицензиясиз савдо қиладиганлар, нақд пулда ишловчи дўконлар - йўл ёқасида ёки кўчада мева, писта, тамаки маҳсулотлари ва ҳ.к.лар сотувчилари - уйда тайёрланган озиқ-овқат, ширинлик ёки нон маҳсулотларини сотувчилар, дўкончаларда “стрит-фуд” - уйма-уй ва/ёки ижтимоий тармоқ орқали буюртмали савдо, гул етказиб бериш
2.	Қурилиш	- шахсий қурилишда лицензиясиз ёлланма ишчилар - қурилиш объекларида шартномасиз усталар (темирчи, дурадгор, сантехник, ҳунарманд) - маҳаллий таъмирлаш ишларида қатнашувчилар ва уйма-уй ремонт ёки қурилиш ишларини қилувчилар
3.	Фрилансерлик	- онлайн таржимонлар - график дизайнерлар (fiverr, upwork орқали ишлайдиганлар) - SMM менежерлар, контент яратувчилар (YouTube, Instagram) - логотип, дизайн, копирайтинг билан норасмий шуғулланадиганлар - уйда ўтириб вебсайт ёзадиган IT мутахассислар, ютуб блогерлар ёки TikTok орқали даромад қиладиганлар
4.	Хуфёна фаолият	- ноқонуний валюта алмашинуви, контрафакт маҳсулот ишлаб чиқариш, контрабанда маҳсулотлари савдоси - “қора касса” тизимлари, норасмий микрофинанс (дўстлар, қўшнилари орасидаги пул айланмаси) - онлайн букмекерлик, крипто-майнинг, крипто-савдо (ҳозирча Ўзбекистонда лицензиясиз фаолиятдир)
5.	Тббиёт ва бьюти-индустрия	- шахсий массаж, фитнес/йога мураббийлиги, диетологик, халқ табobati - уйда хизмат кўрсатувчи соч тараш, визажист, маникюр, педикюр, татуаж, косметология (уй шароитида) - сартарошлар (рўйхатдан ўтмаган салонларда ишловчи)
6.	Қишлоқ хўжалиги	- норасмий ер ижараси, маҳсулот етиштириш ва нақд сотиш (сабзавот, полиз, парранда, сут маҳсулотлари) - маҳсулотни уйда сақлаб, ускуна билан қайта ишлаш
7.	Бошқа хизматлар	- расмий шартнома ва солиқсиз “суткалик хонадон” ва уй ижараси ҳамда “хостел” фаолиятлари - уйда кийим тикадиган тикувчилар, ижарага кийим бериш - уй тозаловчи аёллар (фаррошлик) - норасмий – сертификатсиз юристлар, молиявий ва бошқа маслаҳатчилар - репетиторлик, тил ўргатиш, IT курслар - телефон, ноутбук, кондиционер, уй техникасини уйда таъмирлаш - тўй ва маросимлардаги лицензиясиз: хонандалар, видеооператор/фотографлар, безатувчилар, ошпазлар - шахсий авто билан лицензиясиз: такси ҳайдовчилар, хусусий юк ташиш ва товар етказиш хизматлари

Манба: ўрганилган илмий манбалар асосида муаллиф томонидан тузилди.

Албатта, SEQ Assessment© орқали яна кўшимча саволларга ҳам жавоб топиш мумкин. Масалан, бу таҳлил воситаси солиқ ва харажатлар орқали даромадларни қайта тақсимлаш ва камбағалликни камайтиришни кучайтириш учун қандай чоралар кўриш мумкинлигини сиёсатчиларга кўрсатиб бериши мумкин.

Солиқлар ва нафақаларнинг қайта тақсимлаш ва камбағалликка таъсирини ўлчашдаги фискал таъсир таҳлилининг асосий элементи – бу фискалдан олдинги даромад ва фискалдан кейинги даромад, яъни, соф солиқлар ва трансферлардан кейинги даромад тушунчаларини аниқлаш ва шакллантиришдан иборат ҳисобланади. Даромад тушунчаларини шакллантириш деганида, солиқ юки ва давлат харажатларидан нафни ҳар бир уй хўжалигига қандай тақсимланиши методикаси сифатида тушунилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

2022 йил январи ҳолатига, эллик саккизта мамлакат учун SEQ баҳолашлари мавжуд. “Мавжуд” дегани – ушбу мамлакатлар натижалари SEQ Стандарт Кўрсаткичларида нашр этилган деганидир. Ушбу 58 мамлакатдан 45 таси бўйича SEQнинг Фискал Қайта Тақсимлашга оид Маълумот Марказида MWB (Main Workbook) ва натижаларни такрорлаш коди мавжуд. Шунингдек, 26 та мамлакат учун SEQ Мослаштирилган Микродаталар тўплами Harvard Dataverse платформасида очиқ ҳолда тақдим этилган.

Шунингдек, бир неча кўп мамлакатли тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, улар фискал қайта тақсимлаш саъй-ҳаракатларини мамлакатлар кесимида таққослаш орқали қандай кучли хулосаларга келиш мумкинлигини кўрсатиб беради (Лустиг, 2022).

Амалиётда одат ўлароқ учраганидек, режалар ишлаб чиқиладиганда, уларда турли мақсадлар ўртасидаги мувозанат (мувофиқ)сизликни инобатга олинмаслик таклиф этилади. Масалан, очликни йўқотиш учун сарфланган маблағ инфратузилмага камроқ маблағ қолишига сабаб бўлиши мумкин (ёки аксинча); маҳаллий бюджет даромад қисмини ошириш камбағал аҳолига салбий таъсир кўрсатиши ёки иқтисодий ўсишни секинлаштириши мумкин (ёки аксинча); қарияларни ҳимоя қилиш ёшларни камроқ ҳимоя қилишни англатиши мумкин (ёки аксинча). Бундай мақсадларда trade-off, яъни бирига эришиш учун бошқасидан воз кечиш зарурати пайдо бўлади, лекин бундай дилеммадан қочиш оптимал ечим сифатида қаралади.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, SEQ баҳолаш методологиясида қўлланиладиган фискал тақсимот таҳлили хулқ-атвор (behavioral) ёки умумий (general) иқтисодий мувозанат таъсирини қамрамаган ҳолда, муайян бир вақт нуқтасида амалга оширилади. Бунда, фискал тадбирлар (солиқлар ва трансферлар) мавжуд бўлмаган тақдирдаги префискал даромад (солиқ ва трансферлардан олдинги даромад) ўзида ҳақиқий (муқобил) даромадни аниқ ифода қилинган деб даъво қилинмайди. Бошқача қилиб айтганда, префискал даромад ҳақиқатан ҳам солиқлар ва трансферлар мавжуд бўлмаган тақдирда қандай бўлар эди, деган гипотетик ҳолатга тенг деб даъво қилинмайди. Яъни, бу – фискал тадбирлар (интервенция)нинг ўртача таъсирини баҳолайдиган биринчи тартибдаги яқинлаштирувчи таҳлилдир. Шу билан бирга, бу таҳлил шунчаки механик ҳисоб-китоб эмас, балки мураккаб таҳлил ва контекстуал баҳолашни талаб қиладиган методология ҳисобланади.

Солиқлар юкининг таъсири юридик томонлама эмас, балки иқтисодий нуқтаи назардан баҳоланади. Масалан, расмий (Иқтисодиётда расмий (формал) сектор ва норасмий (информал) сектор тушунчалари – меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш фаолиятининг давлат томонидан қайд этилган ёки қайд этилмаган қисмларини англатади. Норасмий сектор белгилари: ишчиларда меҳнат шартномаси йўқ, даромадлари давлат томонидан қайд этилмайди, солиқлар тўланмайди ёки қисман тўланади, ижтимоий суғурта ёки пенсия тизимида қатнашмайди.) секторда ишлайдиган

ходимларга қўйиладиган даромад солиғи ва ижтимоий суғурта учун иш берувчи тўлайдиган ҳиссалар амалда ишчига таъсир қилади, чунки иш берувчи бу харажатларни иш ҳақини пасайтириш орқали қоплайди. Яъни, бу солиқларнинг “иқтисодий юки” меҳнатга тушади. Агар кимдир ижтимоий суғуртага умуман ҳисса қўшмаётган бўлса (масалан, норасмий секторда ишласа), у тўғридан-тўғри солиқлар ёки суғурта бадаллари тўламайди, деб ҳисобланади. Истеъмом солиқлари (ҚҚС, акциз ва ҳ.к.) тўлиқ равишда харидорлар (якуний истеъмомчи, аҳоли) зиммасига ўтади, яъни, маҳсулот қимматлашса, буни сотувчи эмас, харидор тўлайди, деб қаралади. Истеъмом солиқлари мисолида, таҳлиллар ўз истеъмоли, қишлоқ бозорлари ва норасмий секторга хос паст солиқ юкини ҳам ҳисобга олади.

Хулоса ва таклифлар.

Якуний тарзда таъкидлаш лозимки, СЕQ натижалари қуйидаги икки харажат тури ўртасидаги танлов (ёки мувозанат) юзасидан ечим таклиф қила олмайди:

– ҳозирги вақтда камбағалликни юмшатиш учун амалга ошириладиган жорий трансферларга сарфланадиган харажатлар ва

– келажакда юқори иқтисодий ўсиш орқали фаровонликка катта таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жисмоний ва инсон капиталига инвестициялар.

Албатта, бу мунозарали масала, яъни ҳозирги камбағалликни юмшатишга қаратилган трансферлар ва келажакда фаровонликни таъминловчи инвестициялар ўртасидаги танлов, фискал сиёсатдаги “қисқа муддатли барқарорлик” ва “узоқ муддатли ўсиш” ўртасидаги тўқнашув (trade-off) сифатида кўрилади. Мазкур муаммони ҳал қилишда илмий ёндашувлар ва тавсиялар адабиётларда қуйидагича келтирилади:

1. “Dynamic Efficiency vs Static Equity” ёндашуви. Фискал сиёсатда баланс сақлаш лозим, яъни жорий трансферлар камбағалликни юмшатишга хизмат қилсин, лекин жисмоний ва инсон капиталига инвестиция (мактаб, шифохона, йўллар) узоқ муддатли иқтисодий ўсишни рағбатлантириши керак.

2. Давлат молиявий сиёсати “Олтин қоида”си (“Golden Rule”). Бунга кўра жорий фискал харажатлар (масалан, ижтимоий нафақа, маош) солиқлар билан молиялаштирилиши, капитал харажатлар (инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш инвестициялари) эса қарзлар орқали молиялаштирилиши мумкин.

3. Cost-Benefit and Intertemporal Trade-off Analysis. Бу ёндашувда ҳар бир харажат турининг қисқа муддатли таъсири (poverty alleviation now) ҳамда узоқ муддатли самараси (human capital, productivity, GDP growth) баҳоланиб, динамик моделлар ёрдамида қарор қабул қилиниши керак дея таъкидланади.

4. Халқаро тавсиялар (IMF, World Bank, CEQ Institute). Агар мамлакат ёш аҳолига эга бўлса, инсон капиталига инвестиция афзал, чунки келажакда ишчи кучи самарали бўлади. Агар мамлакатда оғир ижтимоий нотенглик бўлса, жорий ижтимоий трансферлар муҳим, чунки ижтимоий барқарорлик хавф остида бўлиши мумкин.

Адабиётлар / Литература / References:

Lindert, P. (2004) *Growing Public: Social Spending and Economic Growth since the Eighteenth Century*, vols. 1–2. Cambridge: Cambridge University Press.

Lustig, N. (2022) *CEQ Handbook. Estimating the Impact of Fiscal Policy on Inequality and Poverty*, 2nd ed., Vol. 1. Washington: Brookings Institution Press.

Lustig, N. (2020) *The Missing Rich in Household Surveys: Causes and Correction Methods*, CEQ Working Paper 75. CEQ Institute, Tulane University.

Flachaire, E., Lustig, N. and Vigorito, A. (2021) *Underreporting of Top Incomes and Inequality: An Assessment of Correction Methods Using Linked Survey and Tax Data*.

- Greenspun, S. (2019) *A Gender-Sensitive Fiscal Incidence Analysis for Latin America: Brazil, Colombia, the Dominican Republic, Mexico, and Uruguay*. Unpublished doctoral dissertation, Tulane University.
- Bargain, O. (2022) *Income Sources and Intra-household Distribution: A Methodological Framework and Applications for Argentina and South Africa*. Draft for comments, CEQ Institute.
- Lustig, N. et al. (2021) *Short and Long-Run Distributional Impacts of Covid-19 in Latin America*, CEQ Working Paper 96. CEQ Institute.
- Neidhöfer, G., Lustig, N. and Tommasi, M. (2021) *Intergenerational Transmission of Lockdown Consequences: Prognosis of the Longer-Run Persistence of COVID-19 in Latin America*, *Journal of Economic Inequality*, 19, pp. 571–598.
- Lustig, N. and Higgins, S. (2022) *The CEQ Assessment: Measuring the Impact of Fiscal Policy on Inequality and Poverty*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.
- Lustig, N., Mariotti, C. and Sanchez-Paramo, C. (2022) *Redistributive Impact of Fiscal Policy: A New Global Standard*, *World Bank Blog*. Available at: <https://blogs.worldbank.org/opendata/redistributive-impact-fiscal-policy-indicator-new-global-standard-assessing-government>
- Lustig, N. (2022) *Fiscal Policy, Income Redistribution, and Poverty Reduction in Low- and Middle-Income Countries*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.
- Paz Arauco, V. et al. (2014) *Explaining Low Redistributive Impact in Bolivia*, *Public Finance Review*, 42(3), pp. 326–345.
- Higgins, S. and Pereira, C. (2014) *The Effects of Brazils Taxation and Social Spending on the Distribution of Household Income*, *Public Finance Review*, 42(3), pp. 346–367.
- Scott, J. (2014) *Redistributive Impact and Efficiency of Mexicos Fiscal System*, *Public Finance Review*, 42(3), pp. 368–390.
- Jaramillo, M. (2014) *The Incidence of Social Spending and Taxes in Peru*, *Public Finance Review*, 42(3), pp. 391–412.
- Bucheli, M. et al. (2014) *Social Spending, Taxes and Income Redistribution in Uruguay*, *Public Finance Review*, 42(3), pp. 413–433.
- Younger, S.D., Osei-Assibey, E. and Oppong, F. (2017) *Fiscal Incidence in Ghana*, *Review of Development Economics*, 21(4), pp. e47–e66.
- Cabrera, M., Lustig, N. and Moran, H.E. (2015) *Fiscal Policy, Inequality, and the Ethnic Divide in Guatemala*, *World Development*, 76, pp. 263–279.
- Enami, A., Lustig, N. and Taqdiri, A. (2019) *Fiscal Policy, Inequality, and Poverty in Iran*, *Middle East Development Journal*, 11(1), pp. 49–74.
- Younger, S.D., Myamba, F. and Mdadila, K. (2016) *Fiscal Incidence in Tanzania*, *African Development Review*, 28(3), pp. 264–276.
- Jouini, N. et al. (2022) *Tunisia: Fiscal Policy, Income Redistribution, and Poverty Reduction*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.
- Higgins, S. et al. (2016) *Comparing the Incidence of Taxes and Social Spending in Brazil and the United States*, *Review of Income and Wealth*, 62, pp. S22–S46.
- Younger, S.D. and Khachatryan, A. (2017) *Fiscal Incidence in Armenia*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.
- Hill, R. et al. (2017) *A Fiscal Incidence Analysis for Ethiopia*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.
- Cancho, C. and Bondarenko, E. (2017) *The Distributional Impact of Fiscal Policy in Georgia*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.
- Jellema, J., Wai-Poi, M. and Afar, R. (2017) *The Distributional Impact of Fiscal Policy in Indonesia*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.
- Alam, S.A., Inchauste, G. and Serajuddin, U. (2017) *The Distributional Impact of Fiscal Policy in Jordan*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.

Lopez-Calva, L.F. et al. (2017) *Who Benefits from Fiscal Redistribution in Russia?*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.

Inchauste, G. et al. (2017) *The Distributional Impact of Fiscal Policy in South Africa*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.

Arunatilake, N., Inchauste, G. and Lustig, N. (2017) *The Incidence of Taxes and Spending in Sri Lanka*, in *The Distributional Impact of Taxes and Transfers*. Washington: World Bank.

Rossignolo, D. (2022) *Argentina: Taxes, Expenditures, Poverty, and Income Distribution*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.

Martinez-Aguilar, S. et al. (2022) *Chile: The Impact of Fiscal Policy on Inequality and Poverty*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.

Lustig, N. and Wang, X. (2022) *China: The Impact of Taxes and Transfers on Income Inequality, Poverty, and the Urban-Rural and Regional Income Gaps*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.

Aristy-Escuder, J. et al. (2022) *The Dominican Republic: Fiscal Policy, Income Redistribution, and Poverty Reduction*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.

Beneke de Sanfeliu, M., Lustig, N. and Oliva Cepeda, J.A. (2022) *El Salvador: The Impact of Taxes and Social Spending on Inequality and Poverty*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.

Jellema, J. et al. (2022) *Uganda: The Impact of Taxes, Transfers, and Subsidies on Inequality and Poverty*, in *CEQ Handbook*, 2nd ed., Vol. 1.